

---

## РИШТОНЛИК ПОЛВОНЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Кейинги йилларда асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси – “Кураш” спорт турига жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу спорт турини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланиб, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон қарори билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди. Бугунги кунда эса, яратилган шарт-шароитлар ўз маҳсулини бермоқда. Курашчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Жорий йилнинг 4 сентябрь куни Россиянинг Қозон шаҳрида старт олган МДХ давлатлари ўртасидаги “МДХ” ўйинларида ҳам спортчиларимиз юқори натижаларни қайд этишди. Улар ичида бел олиш кураши ва уч кураш бўйича қатнашган спортчилар ҳам ўз иқтидорларни тўлақонли намойиш этишиб, Ўзбекистон терма жамоасига муҳим рейтинг балларини қўшиб қўйишди. Қувонарлиси шуки ушбу совриндорлар орасида 2 нафар Риштонлик спортчилар ҳам бор. Мусобақада совриндор бўлган Илёсбек Обиджонов мутлоқ вазн кумуш медали, Асадбек Зокиров 120 кг вазнда тоифасида бронза медални қўлга киритишди. Куни кеча юртимизга қайтиб келган спортчилар бугун туман ҳокимлигида тантанали равишда кутиб олинди. Кутиб олиш маросимида туман ҳокими ўринбосарлари, туман Маънавият ва маърифат бўлими ходимлари, нурунийлар, туман туризм ва спорт бўлими ходимлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, БЎСМ ходимлари ва тарбияланувчилари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этишди. Тадбирда Риштон тумани ҳокими ўринбосари З. Умаров спортчиларни ғалаба билан табриклаб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди. Қаҳрамонлар учун ўзига хос байрам тадбири ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-09-09 16:11:07